

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 806-ҳадис

806 - وَعَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا أَسْفَلَ مِنَ الْكَعْبَيْنِ مِنَ الْإِزَارِ فَفِي النَّارِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [5787].

806. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Изорнинг икки тўпикдан пастга тушгани дўзахдадир», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Уламолар бу ва шу каби бошқа ҳадисларни ўрганиб, хулоса қилиб айтишганки, агар кийимни тўпикдан пастгача тушириб кийишда кишида кибр ва кеккайиш бўлса, у мазкур ваъидга дучор бўлади. Аммо қалбида бундай хаёл бўлмаса, у бундан мустасно.

Абдурраҳмон розияллоҳу анҳу айтди:

«Абу Саъиддан изор ҳақида сўрадим. Бас, у:

«Хабардорини топдинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, мусулмоннинг изор тутиши икки болдиргачадир. Ундан икки тўпикқача танглик ёки гуноҳ йўқ. Икки тўпикдан пастга тушган нарса дўзахдадир».

(Абу Довуд, Бухорий ва Насай ривоят қилган).

Ушбу ривоят соҳиблари Абдурраҳмон розияллоҳу анҳунинг улкан саҳобий Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан изорнинг узунлиги қанча бўлиши ҳақида сўрашларидан ўша вақтларда ҳам бу масалада баъзи бир тушунмовчиликлар чиқиб тургани маълум бўляпти.

Мана шу ривоятда изорнинг тўпикдан пастга тушган қисми дўзахда куйиши ҳақида сўз кетмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI